

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**

**ЁШЛАРНИ МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ВА ЖИСМОНИЙ БАРКАМОЛ ЭТИБ  
ТАРБИЯЛАШ, УЛАРГА ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ БЕРИШ ТИЗИМИНИ СИФАТ  
ЖИХАТИДАН ЯНГИ БОСҚИЧГА КЎТАРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА**

**[Кўчирма]**

Мамлакатимизда баркамол авлодни шакллантириш, ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмонан соғлом этиб тарбиялаш, уларни олиб борилаётган ислохотларнинг фаол иштирокчисига айлантиришга қаратилган чора-тадбирлар изчил амалга оширилмоқда.

Жумладан, мактабгача таълимнинг замонавий тизими, 11 йиллик умумий ўрта таълим жорий қилинмоқда, замонавий олий таълим муассасалари ҳамда нуфузли хорижий университетларнинг филиаллари ташкил этилмоқда.

Ёшларнинг бандлигини таъминлаш ва уларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб қилиш бўйича ишларни мутлақо янги тизим асосида ташкил этиш ва амалга ошириш мақсадида «Yoshlar — kelajagimiz» **Давлат дастури** қабул қилинди.

Ёшлар билан доимий мулоқот қилиш мазкур соҳадаги долзарб муаммоларни аниқлаш ва ҳал этишда давлат органлари ва жамоат ташкилотлари фаолиятининг ажралмас қисмига айланиб бормоқда.

Шу билан бирга, амалга оширилган ишларнинг таҳлили бу борада айрим муаммолар сақланиб қолаётганлигини кўрсатмоқда. Хусусан:

биринчидан, ёш авлод онгига Ватанга содиқлик ва унинг тақдири учун дахлдорлик ҳиссини сингдиришга, уларда ёт ғоя ва қарашларнинг салбий таъсирига нисбатан мафкуравий иммунитетни шакллантиришга қаратилган чора-тадбирлар етарли даражада самара бермаяпти;

иккинчидан, миллий ва умуминсоний қадриятларга содиқлик, диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувликни мустаҳкамлаш, шунингдек, экстремизм, терроризм ва бошқа бузғунчи ғояларга нисбатан муросасизликни шакллантириш юзасидан давлат органлари ва жамоат ташкилотларининг фаолияти ҳамон талаб даражасида эмас;

учинчидан, ўқувчи-ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш учун зарур бўлган маданий-кўнгилочар объектлар, мактабдан ташқари таълим муассасалари, шу жумладан, жойларда турли ижодий ва таълим тўғрақлари, спорт секцияларининг етишмаслиги болаларнинг соғлом руҳда тарбияланишига ва тўғри ҳаёт йўлини танлашига салбий таъсир кўрсатмоқда;

тўртинчидан, ўқитувчи ва мураббийларнинг ижтимоий мавқеи ва нуфузи пасайиб кетганлиги, уларни моддий ва маънавий рағбатлантириш тизими бугунги кун талабига мутлақо жавоб бермаслиги ёш авлодни ўқитиш ва тарбиялаш ҳамда мустақил дунёқарашини шакллантириш борасида жиддий муаммоларни келтириб чиқармоқда;

бешинчидан, ёшларнинг олий таълим муассасаларига қамраб олиниш даражаси пастлиги, етакчи хорижий олий таълим муассасалари билан ўзаро ҳамкорлик етарлича йўлга қўйилмаганлиги малакали кадрларнинг етишмаслигига ва олиб борилаётган ислохотлардан кўзланган мақсадга тўлиқ эришилмаслигига сабаб бўлмоқда;

олтинчидан, соҳада қонун бузилиши ҳолатларининг сақланиб қолаётганлиги, шу жумладан, ёшларни қўллаб-қувватлашга ажратилаётган маблағларнинг мақсадли сарфланишида назоратнинг етарли даражада эмаслиги тизимли муаммоларни юзага чиқармоқда.

Қайд этилган муаммоларни бартараф этиш, ёш авлодни тарбиялаш борасидаги ишларни янада такомиллаштириш, таълим-тарбия сифатини мазмун жиҳатидан янги босқичга кўтариш, ўқитувчилик касбининг нуфузини ошириш мақсадида, шунингдек, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича **Харакатлар стратегиясига** мувофиқ:

1. Қуйидаги устувор йўналишларни назарда тутувчи Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури (кейинги ўринларда Дастур деб юритилади) **1-иловага** мувофиқ тасдиқлансин:

юксак маънавиятли, қатъий ҳаётий позиция, кенг дунёқарашга эга бўлган фидойи ва ватанпарвар ёшларни тарбиялаш;

ёшларни ёт ғоялар таъсиридан ҳимоя қилиш, уларни миллий ва умуминсоний кадриятларга содиқлик, диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувлик руҳида тарбиялаш;

педагог ходимларнинг кадр-қиммати ва нуфузини ошириш, уларнинг моддий-маънавий ва ижтимоий ҳимоясини кучайтириш;

ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, улар ўртасида ҳуқуқбузарликлар ва жиноятлар содир этилишининг олдини олиш;

ёшлар жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланиши учун шарт-шароитлар яратиш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш;

ўқувчи-ёшларни ижтимоий муҳофаза қилиш, ижтимоий эҳтиёжманд оилалар фарзандларини моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш.

Белгилансинки, вазирликлар, идоралар ва ташкилотларнинг раҳбарлари Дастурнинг ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли бажарилиши учун шахсан масъул ҳисобланади.

2. Ёшлар масалалари бўйича республика идоралараро кенгаши (А.Н. Арипов):

вазирлик ва идораларнинг мутахассислари, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари жалб этган ҳолда Дастурнинг амалга оширилиши бўйича ишчи гуруҳларни ташкил этсин, уларнинг самарали ишлашини таъминласин;

Дастурда назарда тутилган тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли амалга оширилишини таҳлил қилиб борсин;

таълим-тарбия соҳасида қонун бузилиши ҳолатларининг сабаб ва шарт-шароитларини ўрганиш ҳамда уларни бартараф этиш, жойларда ёшларни қўллаб-қувватлашга ажратилаётган маблағларнинг мақсадли сарфланиши устидан назоратни ўрганиш бўйича аниқ чора-тадбирларни белгиласин.

3. Умумий ўрта таълим муассасалари ходимларининг базавий тариф ставкалари:

а) 2018 йил 1 сентябрдан:

бошланғич синф ўқитувчилари учун 1,1 бараварга;

юқори синф ўқитувчилари учун ўртача 1,24 бараваргача;

директор, унинг ўринбосарлари ва ахборот-ресурс маркази (кутубхона) мудирлари ва кутубхоначилари учун 1,1 бараварга оширилсин.

б) 2019 йил 1 январдан:

олий тоифали ўқитувчилар учун 1,25 бараварга;

биринчи тоифали ўқитувчилар учун 1,2 бараварга;

иккинчи тоифали ўқитувчилар учун 1,15 бараварга;

мутахассис ўқитувчилар учун 1,1 бараварга;

директор, унинг ўринбосарлари, ахборот-ресурс маркази (кутубхона) мудирлари ва кутубхоначилари учун 1,1 бараварга оширилсин.

4. Умумий ўрта ва ўрта махсус таълим муассасаларида, улардаги ўқувчилар сонидан келиб чиқиб, 2018 йил 1 сентябрдан бошлаб психолог штат бирлиги қуйидагича белгилансин:

250 нафаргача — 1 штат бирлигида;

250 нафардан 800 нафаргача — 1,5 штат бирлигида;

800 нафардан 1600 нафаргача — 2 штат бирлигида;

1600 нафардан 3000 нафаргача — 2,5 штат бирлигида;

3000 нафар ва ундан ортиқ — 3 штат бирлигида.

Умумий ўрта ва ўрта махсус таълим муассасаларида олий маълумотли психологлар учун базавий тариф ставкалар 2018 йил 1 сентябрдан ушбу муассаса мутахассис ўқитувчилар базавий тариф ставкаларининг 90 фоизига тенглаштирилсин, 2019 йил 1 январдан эса 1,1 бараварга оширилсин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2018 йил 1 ноябрга қадар муддатда ўқувчиларни психологик-педагогик қўллаб-қувватлаш ишларини янада такомиллаштириш бўйича ҳукумат қарорини қабул қилсин.

5. Умумий ўрта таълим мактаби ўқитувчиларининг дарс ва тўғарак машғулотларини ташкил этиш ҳамда синф журналининг юритишдан ташқари бошқа педагогик юкламалар бўйича ҳисоботлар ва қўшимча маълумотларни талаб қилиш қатъиян тақиқлансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси, Молия вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан биргаликда 2018 йил 1 ноябрга қадар илғор хорижий тажрибадан келиб чиқиб, директор жамғармаси маблағлари ҳисобидан умумтаълим муассасаларининг ўрнатилган кўрсаткич педагог кадрларни фаолиятининг натижавийлиги асосида рағбатлантиришнинг шаффоф тизимини жорий этиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Молия вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши икки ой муддатда:

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

худудий, республика ва халқаро фан олимпиадаларида совринли ўринларни кўлга киритган ўқувчиларни тайёрлаган педагог кадрларга базавий ҳисоблаш миқдорининг 5 бараваридан 50 бараваригача миқдорда бир марталик пул мукофоти бериш тартибини;

*(7-банднинг иккинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 13 декабрдаги ПФ-5894-сонли Фармони таҳририда — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 14.12.2019 й., 06/19/5894/4161-сон)*

умумий ўрта таълим муассасалари фаолиятини молиялаштириш манбаларини диверсификация қилиш ва асосий фаолияти бўйича қўшимча пуллик хизматлар кўрсатиш тартибини;

таълим ривожига муносиб ҳисса кўшган, давлат мукофотларига сазовор бўлган педагог кадрларни давлат ва хўжалик бошқаруви органларига қарашли санаторий-соғломлаштириш муассасаларида имтиёзли шартларда соғломлаштириш тартибини назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Қурилиш вазирлиги ҳамда Иқтисодиёт вазирлиги Молия вазирлиги, Марказий банк, «Ўзшаҳарқурилишинвест» ва «Қишлоққурилишинвест» инжиниринг компаниялари билан биргаликда икки ой муддатда ҳар йили қишлоқ ва шаҳарларда намунавий лойиҳалар бўйича қуриладиган арзон уй-жойларнинг бир қисмини халқ таълими тизимидаги педагог ходимларга 20 йил муддатга, 3 йиллик имтиёзли давр ҳамда биринчи 5 йил мобайнида йиллик 7 фоиз ставкаси билан ва кейинги даврда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкаси миқдорида дастлабки бадали 10 фоиз бўлган ипотека кредити сифатида бериш, шунингдек, «Ҳар бир оила — тадбиркор» дастури доирасида педагог ходимларнинг оила аъзоларига иссиқхона ташкил этиш, қорамол, парранда сотиб олиш ва тадбиркорлик фаолияти учун 3 йиллик муддатга, 6 ойлик имтиёзли давр билан, йиллик 7 фоиз ставка миқдорида кредитлар бериш тартибини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқлаш учун киритсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Молия вазирлиги, Марказий банк, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда Халқ таълими вазирлиги ҳузурида халқ таълими тизимидаги ходимлар учун ипотека кредити, автотранспорт воситаси сотиб олиш ва бошқа мақсадлар учун истеъмол кредитлари беришни молиялаштириш бўйича махсус жамғармани ташкил этиш, унга Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ҳисобидан 100 миллион АҚШ доллари ажратиш ҳамда халқаро молия институтларининг маблағларини жалб этишни назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан тақдим этилган рўйхат бўйича халқ таълими тизимидаги педагог ходимларга истеъмол кредитлари, шу жумладан, автотранспорт воситалари сотиб олиш учун махсус жамғарма ҳисобидан қуйидаги шартларда кредитлар бериш тартиби ўрнатилсин:

кредитни бериш муддати — 1 йил имтиёзли давр билан 5 йил муддатга;

дастлабки бадал суммаси — сотиб олинаётган автотранспорт воситаси қийматининг 25 фоизи;

кредит учун фоиз ставкаси — Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаштириш ставкасидан қўп бўлмаган миқдорда.

«Ўзавтосаноат» АЖ Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан тақдим этиладиган педагог ходимлар рўйхати асосида улар томонидан тижорат банклари кредитлари ҳисобига автотранспорт воситалари сотиб олиш учун автотранспорт воситалари ажратилишини таъминласин.

11. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши билан биргаликда икки ой муддатда халқ таълими соҳасида баркамол авлодни вояга етказишда фидокорона меҳнат қилаётган, ёшларни ватанпарварлик ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш ишларига муносиб ҳисса қўшаётган халқ таълими тизими ходимларини тақдирлаш учун давлат мукофоти таъсис этиш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқсин ҳамда ўрнатилган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

12. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги билан биргаликда 2018 — 2020 йилларда педагогик касбининг юксак ижтимоий маъқеи ва обрўсини тарғиб қилувчи «Ўқитувчи ва мураббийлар хиёбонлари»ни ташкил этсин.

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги Қурилиш вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Бадий академияси, Ёзувчилар уюшмаси, «Хунарманд» уюшмаси билан биргаликда бир ой муддатда «Ўқитувчи ва мураббийлар хиёбонлари»нинг концепцияси ва намунавий лойиҳасини ишлаб чиқсин ҳамда белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018/2019 ўқув йилидан бошлаб умумтаълим мактаблари, шу жумладан, ихтисослаштирилган мактаблар, санъат ва маданият мактаб-интернатлари, олимпия захиралари мактаб-интернатлари ҳамда академик лицейлар битирувчиларига аъло билими, намунали хулқи ва жамоат ишларидаги фаоллиги учун бериладиган олтин ва кумуш медалларни таъсис этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Белгилаб қўйилсинки:

олтин медаль умумий ўрта таълим муассасаларининг 9-синфини битирганлик тўғрисидаги аъло даражали шаҳодатномаси мавжуд, 10-11-синфлардаги барча фанлардан оралик, якуний назоратлари, чораклик ва йиллик баҳолари аъло бўлган, намунали хулқ-атворли ва жамоат ишларида фаоллик кўрсатган 11-синф битирувчиларига берилади;

кумуш медаль умумий ўрта таълим муассасаларининг 9-синфини битирганлик тўғрисидаги аъло даражали шаҳодатномаси мавжуд, 10-11-синфлардаги барча фанлардан йиллик баҳолари аъло бўлган, намунали хулқ-атворли ва жамоат ишларида фаоллик кўрсатган 11-синф битирувчиларига берилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда умумий ўрта таълим муассасалари битирувчиларини аъло баҳоларга ўқиганлиги, намунали хулқ-атвори ва жамоат ишларидаги фаоллиги учун олтин ва кумуш медаль билан тақдирлаш тартибини тасдиқласин.

14. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси, Халқ таълими вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда уч ой муддатда умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар, олий таълим, мактабдан ташқари таълим соҳасига давлат-хусусий шерикликнинг жорий

этилиши борасида мавжуд аҳволни ва илғор хорижий давлатлар тажрибасини, жумладан, жойига чиққан ҳолда ўрганиб, белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ташқи ишлар вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси, тасарруфида олий таълим муассасалари бўлган вазирлик ва идоралар, Ўзбекистоннинг хорижий мамлакатлардаги дипломатик ваколатхоналари раҳбарлари билан биргаликда икки ой муддатда жаҳондаги олий таълим муассасалари рейтингда 1000 талик рўйхатга кирадиган хорижий олий таълим муассасаларининг, шу жумладан, педагогика йўналишидаги олий таълим муассасаларининг филиал (факультет)ларини Ўзбекистон Республикасида лицензия олмасдан ва бошқа имтиёзли шартларда ташкил этиш масаласини ўрганиб чиқсин ҳамда аниқ таклифлар киритсин.

16. Қуйидагилар тақиқлансин:

халқ таълими ходимларини хизмат мажбурияти билан боғлиқ бўлмаган ишларга, мажбурий меҳнатга, шу жумладан, туман ва шаҳарлар ҳудудларини ободонлаштириш ҳамда кўкаламзорлаштириш ишлари, мавсумий қишлоқ хўжалиги ишлари ҳамда бошқа турдаги ишларга жалб қилиш;

халқ таълими ходимларини уларнинг касбий фаолияти билан боғлиқ бўлмаган йиғилишлар ва бошқа тадбирларга жалб қилиш, уларнинг босма нашрларга мажбуран обуна бўлишини ташкил этиш;

халқ таълими муассасалари фаолиятини қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган асосларга ва ўрнатилган тартибга риоя этмаган ҳолда текшириш.

Давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарлари мазкур талаблар бузилган ҳолларда тегишли жавобгарликка тортилиши ҳақида қатъий огоҳлантирилсин.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан биргаликда педагог ходимларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини чеклаш ҳолатларини ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этиш мақсадида қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилиши устидан мунтазам равишда назорат тадбирларини ўтказсин ҳамда айбдор шахсларнинг жавобгарликка тортилишини таъминласин.

17. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда Халқ таълими вазирлиги, унинг ҳудудий тузилмалари фаолиятини янада такомиллаштириш, шу жумладан, унинг ташкилий тузилмасини қайта кўриб чиқиш ва штатлар сонини мақбуллаштириш орқали таълим соҳасига бошқарувнинг илғор услубларини жорий этиш юзасидан таклифлар киритсин.

18. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги 2019 йил 1 августга қадар Молия вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси билан биргаликда умумий ўрта таълимнинг амалдаги таянч ўқув режасини қайта кўриб чиқиб, 2019/2020 ўқув йилидан бошлаб 10 фоизга қисқартириш ҳамда мазкур фанлар бўйича дарс соатлари қисқартирилган мутахассисларни талаб юқори бўлган бошқа ўқув фанларга бепул қайта тайёрлаб ўтказиш юзасидан таклиф киритсин.

21. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ушбу қарор ва дастурларни амалга ошириш билан боғлиқ харажатларни молиялаштириш учун зарур маблағларни 2018 йил учун ажратсин ҳамда 2019 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети харажатлари параметрларида назарда тутсин.

22. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

23. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат маслаҳатчилари А.А. Абдувахитов ва Қ.К. Куранбаев, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.А. Абдуҳақимов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — молия вазири Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 14 август,  
ПҚ-3907-сон

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 августдаги ПҚ-3907-сон қарорига  
1-ИЛОВА

**Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш бўйича комплекс чора-тадбирлар**

**ДАСТУРИ**

Т/р	Чора-тадбир номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
<b>I. Юксак маънавиятли, қатъий ҳаётий позиция, кенг дунёқарашга эга бўлган фидойи ва ватанпарвар ёшларни тарбиялаш</b>				
1.	Умумий ўрта таълим муассасаларида ҳафтанинг бир кунини «Ўзини ўзи ривожлантириш кунини» деб эълон қилиш.	1. Ўқувчиларнинг қизиқиш ва қобилиятларидан келиб чиққан ҳолда, машғулотларни ташкил этиш ва ўтказиш. 2. Ўқувчилар томонидан ишлаб чиқилган ишланмалар ва ижод намуналари кўргазмаларини ташкил этиш ҳамда уларни рағбатлантириш.	2018 йил сентябрь  доимий	Халқ таълими вазирлиги ( <i>Ш. Шерматов</i> ), Ёшлар иттифоқи ( <i>К. Куранбаев</i> ), Ёзувчилар уюшмаси ( <i>С. Саидов</i> ), Республика маънавият ва маърифат маркази ( <i>А. Кадиров</i> ), «Ўзбекино» агентлиги ( <i>Ф. Зокиров</i> ), МТРК ( <i>А. Ходжаев</i> ), Матбуот ва ахборот агентлиги ( <i>Л. Тангриев</i> )
2.	Оммавий ахборот воситалари, кино, театр ва мусиқа санъатида ёшлар ўртасида халқимиз маънавиятини, миллий истиқлол ғоясини тарғиб қилишга, бугунги ислохотларнинг моҳиятини ёритишга қаратилган тизимли ишларни ташкил этиш.	1. Ишчи гуруҳ тузиш ва тадбирлар режасини тасдиқлаш. 2. Тегишли кўрсатувлар, асарлар ва бошқа бадиий ижод намуналарини тайёрлаш ҳамда жамоатчиликка етказиш.	2018 йил сентябрь доимий	Ёшлар иттифоқи ( <i>К. Куранбаев</i> ), Республика маънавият ва маърифат маркази ( <i>А. Кадиров</i> ), Маданият вазирлиги ( <i>Б. Сайфуллаев</i> ), «Ўзбекино» агентлиги ( <i>Ф. Зокиров</i> ), МТРК ( <i>А. Ходжаев</i> ), Матбуот ва ахборот агентлиги ( <i>Л. Тангриев</i> ), Ёзувчилар уюшмаси ( <i>С. Саидов</i> ), Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси ( <i>Ф. Абдухаликов</i> )

3.	<p>Ёшларга ҳар томонлама ўрнатилган «Замонамиз қаҳрамонлари» образларини яратиб ва тарғиб қилиш.</p>	<p>1. Ишчи гуруҳ тузиш ва тадбирлар режасини тасдиқлаш. 2. «Замонамиз қаҳрамонлари» образига мос бўлган турли соҳа вакиллари тўғрисида маълумотлар базасини шакллантириш. 3. «Замонамиз қаҳрамонлари» образини ёшларга ўрнатиб қўриқиб мақсадида улар тўғрисида спектакллар, бадий, ҳужжатли ва мультимедиа фильмлар, видеороликлар тайёрлаш ва уларни мунтазам тарғиб қилиш.</p>	<p>2018 йил сентябрь  ноябрь  доимий</p>	<p>Ёшлар иттифоқи (<i>К. Куранбаев</i>), Республика маънавият ва маърифат маркази (<i>А. Кадиров</i>), Хотинқизлар қўмитаси (<i>Т. Нарбаева</i>), «Маҳалла» фонди (<i>Ш. Жавлонов</i>), Ёзувчилар уюшмаси (<i>С. Саидов</i>), Маданият вазирлиги (<i>Б. Сайфуллаев</i>), Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги (<i>Д. Набиев</i>), «Ўзбекино» агентлиги (<i>Ф. Зокиров</i>), МТРК (<i>А. Ходжаев</i>), Матбуот ва ахборот агентлиги (<i>Л. Тангриев</i>), манфаатдор вазирлик ва идоралар</p>
4.	<p>«Мен нечун севаман Ўзбекистонни» мавзусидаги ижодий ишлар танловини (иншо ёзиш, шеърят, рассомчилик ва бошқалар бўйича) ҳар йили ўтказиб.</p>	<p>1. Ишчи гуруҳ тузиш ва тадбирлар режасини тасдиқлаш. 2. Танловни барча туман ва шаҳарларда ўтказиб. 3. Туман, вилоят ва республика миқёсида танловнинг ғолибларини аниқлаш ва тақдирлаш. 4. Танлов ғолибларининг ижодий ишларини ОАВ орқали кенг жамоатчиликка етказиб.</p>	<p>2019 йил январь  март  май  доимий</p>	<p>Ёшлар иттифоқи (<i>К. Куранбаев</i>), Республика маънавият ва маърифат маркази (<i>А. Кадиров</i>), Ёзувчилар уюшмаси (<i>С. Саидов</i>), Халқ таълими вазирлиги (<i>Ш. Шерматов</i>), «Маҳалла» фонди (<i>Ш. Жавлонов</i>), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари</p>
5.	<p>«ZiyoNET» ахборот тармоғининг электрон ва аудио китоблар базасини миллий ва жаҳоннинг энг яхши бадий адабиётлари билан бойитиб ва унга барча умумий ўрта таълим муассасаларининг</p>	<p>1. Ишчи гуруҳ тузиш ва тадбирлар режасини тасдиқлаш. 2. «ZiyoNET» ахборот тармоғини электрон ва аудио китоблар билан мунтазам бойитиб бориш. 3. Умумий ўрта таълим муассасаларини «ZiyoNET» ахборот</p>	<p>2018 йил сентябрь  доимий</p>	<p>Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (<i>Ш. Саидов</i>), Ёшлар иттифоқи (<i>К. Куранбаев</i>), Халқ таълими вазирлиги (<i>Ш. Шерматов</i>), Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (<i>И.</i></p>



	уланишини таъминлаш.	тармоғига юқори тезликда улаш чораларини кўриш. 4. «ZiyoNET» ахборот тармоғининг имкониятлари тўғрисида ёшлар ўртасида тарғибот ишларини олиб бориш.		<i>Маджидов</i> ), Республика маънавият ва маърифат маркази ( <i>А. Кадиоров</i> ), Ёзувчилар уюшмаси ( <i>С. Саидов</i> ), МТРК ( <i>А. Ходжаев</i> ), Матбуот ва ахборот агентлиги ( <i>Л. Тангриев</i> ), манфаатдор вазирлик ва идоралар
6.	Таълим муассасаларида ёшлар театр студияларини ташкил этиш.	1. Ёшлар театр студияларини ташкил этишни рағбатлантирувчи механизмларни назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш. 2. Жойларда ёшлар театр студияларини ташкил қилиш.	2018 йил ноябрь  2019 — 2021 йиллар	Маданият вазирлиги ( <i>Б. Сайфуллаев</i> ), Ёшлар иттифоқи ( <i>К. Куранбаев</i> ), Халқ таълими вазирлиги ( <i>Ш. Шерматов</i> ), Молия вазирлиги ( <i>А. Хайдаров</i> ), Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ( <i>И. Маджидов</i> ), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
7.	Ёшларнинг илмий дунёқарашини кенгайтириш, табиий ва техник фанларга бўлган қизиқишини кўллаб-қувватлаш, ахборот-коммуникация технологиялари бўйича билиминини оширишга қаратилган илмий-оммабоп «Интеллектуал тараққиёт» телевизион кўрсатувини ташкил этиш.	1. Ишчи гуруҳ тузиш ва тадбирлар режасини тасдиқлаш. 2. Кўрсатув ва мусобақаларни эфирга тайёрлаш. 3. Мусобақаларни ўтказиш, уларнинг ғолиб ва совриндорларини аниқлаш ва тақдирлаш. 4. Кўрсатувларни эфирга узатиб бориш.	2018 йил сентябрь  ноябрь  доимий	МТРК ( <i>А. Ходжаев</i> ), Халқ таълими вазирлиги ( <i>Ш. Шерматов</i> ), Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ( <i>И. Маджидов</i> ), Инновация вазирлиги ( <i>И. Абдурахмонов</i> ), Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ( <i>Ш. Садиқов</i> ), Фанлар академияси ( <i>Б. Юлдашев</i> ), манфаатдор вазирлик ва идоралар
8.	Умумий ўрта таълим муассасаларида фанларни намунали ўзлаштираётган, ижобий хулқ-	1. Ишчи гуруҳ тузиш ва тадбирлар режасини тасдиқлаш. 2. Ёшларни фахрий ёрлик, медаллар, пул мукофоти бериш ва	2018 йил сентябрь  режага кўра	Ёшлар иттифоқи ( <i>К. Куранбаев</i> ), Маданият вазирлиги ( <i>Б. Сайфуллаев</i> ), Халқ таълими вазирлиги ( <i>Ш. Шерматов</i> ),



	<p>атворини намоён этган ёшларни рағбатлантириш тизимини жорий этиш, уларнинг ютуқларини оммавий ахборот воситаларида бошқаларга ўрناк сифатида тарғиб қилиш.</p>	<p>бошқача тарзда рағбатлантириб бориш.</p> <p>3. Фанларни намунали ўзлаштираётган ёшларни хорижий давлатлардаги дам олиш оромгоҳларига юбориш.</p> <p>4. Фанларни намунали ўзлаштираётган ёшларнинг тарихий обидаларга (Самарқанд, Бухоро, Хива) бепул саёҳатини ташкил этиш.</p>		<p>Республика маънавият ва маърифат маркази (А. Кадиров), Ташқи ишлар вазирлиги (А. Камилов), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари</p>
9.	<p>Ёшлар ўртасида миллий ғояни тарғиб қилиш, уларда давлат рамзлари ва миллий кадриятларга ҳурмат ҳиссини уйғотиш, амалга оширилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳиятини ёшларга етказиш.</p>	<p>1. Ишчи гуруҳ тузиш ва тадбирлар режасини тасдиқлаш.</p> <p>2. Миллий ва халқаро тажрибани ўрганиш.</p> <p>3. Таълим муассасаларида тарғиботнинг таъсирчан усулларини жорий этиш.</p> <p>4. Давлат рамзлари, Ўзбекистон тарихи ва олиб борилаётган ислохотларни ёшларга етказишга қаратилган инновацион ўқув-тарбия дастурларини яратиш ҳамда жорий этиш.</p>	<p>2018 йил сентябрь</p> <p>2019 йил январь</p>	<p>Ёшлар иттифоқи (К. Куранбаев), Республика маънавият ва маърифат маркази (А. Кадиров), Бош прокуратура (С. Саидқаримов), Давлат хавфсизлик хизмати (А. Усмонов), Ички ишлар вазирлиги (П. Бобожонов), МТРК (А. Ходжаев), Матбуот ва ахборот агентлиги (Л. Тангриев)</p>
<p><b>II. Ёшларни ёт ғоялар таъсиридан ҳимоя қилиш, уларни миллий ва умуминсоний кадриятларга содиқлик, диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувлик руҳида тарбиялаш</b></p>				
10.	<p>Ёшлар ўртасида мафкуравий иммунитет, диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувликни шакллантириш, ёт ғоялар таъсирига тушиб қолишни олдини олишга</p>	<p>1. Ишчи гуруҳ тузиш ва тадбирлар режасини тасдиқлаш.</p> <p>2. Миллий ва халқаро тажрибани ўрганиш.</p> <p>3. Таълим муассасаларида тарғиботнинг</p>	<p>2018 йил сентябрь</p> <p>2019 йил январь</p>	<p>Республика маънавият ва маърифат маркази (А. Кадиров), Ёшлар иттифоқи (К. Куранбаев), Дин ишлари бўйича қўмита (Ж. Акрамов), Ўзбекистон мусулмонлари идораси (У. Алимов), Давлат</p>

	қаратилган таъсирчан тарғибот усулларини жорий этиш.	таъсирчан усулларини жорий этиш.		хавфсизлик хизмати (А. Усмонов), Ички ишлар вазирлиги (П. Бобожонов), МТРК (А. Ходжаев), Матбуот ва ахборот агентлиги (Л. Тангриев)
11.	Диний экстремизм ва терроризмнинг оқибатларини ёритиш, аҳоли, айниқса, ёшлар онгини ёт ғоялардан ҳимоя қилишга бағишланган таъсирчан тарғибот материалларини тайёрлаш ва намойиш этиш ҳамда Интернет орқали тарқатиш.	1. Ишчи гуруҳ тузиш ва тадбирлар режасини тасдиқлаш. 2. Хужжатли фильмлар, видеороликлар, инфографикалар ва бошқа турдаги тарғибот материалларини тайёрлаш. 3. Тарғибот материалларини таълим муассасалари ва кинотеатрларда намойиш қилиш, телерадиоканаллар ва ижтимоий тармоқлар орқали тарғиб қилиш.	2018 йил сентябрь  2018 — 2021 йиллар	МТРК (А. Ходжаев), «Ўзбекино» агентлиги (Ф. Зокиров), Ички ишлар вазирлиги (П. Бобожонов), Давлат хавфсизлик хизмати (А. Усмонов), Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси (Ф. Абдухаликов), Дин ишлари бўйича қўмита (Ж. Акрамов), Ёшлар иттифоқи (К. Куранбаев)
12.	Жазони ижро этиш муассасаларида диний экстремистик оқимлар аъзолари бўлган маҳкумлар билан профилактика ишларини кучайтириш.	1. Идоралараро тарғибот гуруҳлари тузиш ва тадбирлар режасини тасдиқлаш. 2. Тадбирларни мультимедиа воситаларидан фойдаланиб, интерактив усулларда амалга ошириш. 3. Тадбирлар ҳақида махсус видеолар ва мақолалар тайёрлаш.	2018 йил сентябрь  2018 — 2021 йиллар	Ички ишлар вазирлиги (П. Бобожонов), Бош прокуратура (Ғ. Хидоятлов), Давлат хавфсизлик хизмати (А. Усмонов), Дин ишлари бўйича қўмита (Ж. Акрамов), Ўзбекистон халқаро ислом академияси (Н. Ибрагимов), Ўзбекистон мусулмонлари идораси (У. Алимов), Республика маънавият ва маърифат маркази (А. Кадиров)
13.	Жазони ижро этиш муассасаларидаги диний-экстремистик оқимга мансуб шахслар оила аъзоларининг яшаш	1. Ёрдамга муҳтож оилалар рўйхатини шакллантириш. 2. Рўйхатдаги оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш.	2018 йил октябрь  2018 — 2021 йиллар	Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (Ш. Кудбиев), «Маҳалла» фонди (Ш. Жавлонов), Ички ишлар вазирлиги (П. Бобожонов),

	шароитларини яхшилаш чораларини кўриш.	3. Меҳнатга лаёқатли, бандлиги таъминланмаган шахсларни ишга жойлаштириш ёки тадбиркорликка жалб этиш чораларини кўриш.		Бош прокуратура ( <i>Ф. Хидоят</i> ), Давлат хавфсизлик хизмати ( <i>А. Усмонов</i> ), Ёшлар иттифоқи ( <i>К. Куранбаев</i> ), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
<b>III. Педагог ходимларнинг кадр-қиммати ва нуфузини ошириш, уларнинг моддий-маънавий ва ижтимоий ҳимоясини кучайтириш</b>				
14.	Ўқитувчиларнинг жамиятдаги нуфузини ошириш ва ижтимоий ҳимоясини кучайтиришнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш.	1. Ишчи гуруҳ тузиш. 2. Миллий ва хорижий тажрибани ўрганиш. 3. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш ва муҳокама қилиш. 4. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	2018 йил сентябрь  октябрь 2019 йил январь	Халқ таълими вазирлиги ( <i>Ш. Шерматов</i> ), Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ( <i>И. Маджидов</i> ), Инновация вазирлиги ( <i>И. Абдурахмонов</i> ), Адлия вазирлиги ( <i>Р. Давлетов</i> ), Молия вазирлиги ( <i>А. Хайдаров</i> ), Фанлар академияси ( <i>Б. Юлдашев</i> )
15.	Педагоглик касбининг юксак ижтимоий мавқеи ва обрўсини тарғиб қилувчи «Ўқитувчи ва мураббийлар хиёбонлари»ни ташкил этиш.	1. «Ўқитувчи ва мураббийлар хиёбонлари»нинг яхлит меъморий комплекс лойиҳасини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. 2. «Ўқитувчи ва мураббийлар хиёбонлари»да ўқитувчи ва мураббийларни улуғловчи, уларнинг нуфузини оширувчи монумент, кутубхоналар, илмий-маърифий бинолар ва музейларни ташкил этиш. 3. «Ўқитувчи ва мураббийлар хиёбонлари»да шоир ва ёзувчилар, фан,	2018 йил сентябрь  2018 — 2020 йиллар  ҳар ой охири ҳафтасининг шанба куни	Маданият вазирлиги ( <i>Б. Сайфуллаев</i> ), Халқ таълими вазирлиги ( <i>Ш. Шерматов</i> ), Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ( <i>И. Маджидов</i> ), Молия вазирлиги ( <i>А. Хайдаров</i> ), Бадий академия ( <i>А. Нуридинов</i> ), Қурилиш вазирлиги ( <i>А. Тўхтаев</i> ), Ёзувчилар уюшмаси ( <i>С. Саидов</i> ), «Хунарманд» уюшмаси ( <i>У. Абдуллаев</i> ), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари

		таълим ва маданият соҳасининг кўзга кўринган вакиллари билан бадиий кеча ва учрашувларни тизимли равишда ташкил этиш.		
16.	Халқ таълими тизимини малакали кадрлар билан таъминлаш.	<p>1. Ўқитувчи сифатида фаолият кўрсатаётган илмий даражага эга бўлган мутахассисларнинг иш ҳақини олий тоифали ўқитувчи иш ҳақиға тенглаштириш.</p> <p>2. Олис ҳудудларда ўқитувчиларнинг ойлик иш ҳақиға иш стажи учун махсус устамалар бериш тартибини жорий қилиш.</p> <p>3. Педагоглар ўртасида касбий ва амалий педагогик кўникмаларни оширишга хизмат қилувчи турли касбий беллашув ва кўрик танловларни ташкил этиш.</p> <p>4. Педагог кадрлар танқислиги кузатилаётган ҳудудлар учун педагогика олий таълим муассасаларида туман ва шаҳар кесимида мақсадли қабулни амалга ошириш юзасидан таклифлар киритиш.</p>	2018 йил сентябрь	Халқ таълими вазирлиги ( <i>Ш. Шерматов</i> ), Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ( <i>И. Маджидов</i> ), Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ( <i>Ш. Қудбиев</i> ), Молия вазирлиги ( <i>А. Хайдаров</i> )
			режаға кўра	
			2019 йил январь	
<b>IV. Ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, улар ўртасида ҳуқуқбузарликлар ва жиноятлар содир этилишининг олдини олиш</b>				
17.	Ёшларға оид давлат сиёсатини белгилаб берувчи қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳиятини аҳоли, айниқса,	<p>1. Тарғибот гуруҳлари тузиш, улар учун ўқув-семинарлар ташкил этиш.</p> <p>2. Тарғибот материалларини (маъруза матнлари,</p>	2018 йил сентябрь	Ёшлар иттифоқи ( <i>К. Куранбаев</i> ), Республика маънавият ва маърифат маркази ( <i>А. Кадиров</i> ), Адлия вазирлиги ( <i>Р. Давлетов</i> ), Халқ
			ноябрь	

	ёшлар ўртасида кенг тарғиб қилиш.	тақдимотлар, тарқатма материаллар, кўргазмали тарғибот воситалари) тайёрлаш. 3. Тадбирларни барча олий ва ўрта-махсус таълим муассасаларида, меҳнат жамоалари ва маҳаллаларда ташкил этиш.	2018-2019 йиллар	таълими вазирлиги (Ш. Шерматов), Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (И. Маджидов), манфаатдор вазирлик ва идоралар
18.	Умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар ва олий таълим тизимида уч босқичли ҳуқуқий билимлар танловларини ташкил этиш.	1. Ишчи гуруҳ тузиш ва иш режани тасдиқлаш. 2. ОАВда танловларни кенг тарғиб қилиш. 3. Танловларнинг мактаб, лицей, коллеж ва олий таълим муассасалари босқичларини ўтказиш. 4. Худудий ва республика босқичларини ўтказиш.	2018 йил сентябрь  доимий	Ёшлар иттифоқи (К. Куранбаев), Халқ таълими вазирлиги (Ш. Шерматов), Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (И. Маджидов), Адлия вазирлиги (Р. Давлетов), Бош прокуратура (С. Саидкаримов), Республика маънавият ва маърифат маркази (А. Кадиоров)
19.	Ёшлар ўртасидаги ҳуқуқбузарликлар ва жиноятларнинг асл сабаб ва шарт-шароитларини ўрганиш, уларнинг олдини олиш юзасидан аниқ мақсадли чора-тадбирларни амалга ошириш.	1. Ишчи гуруҳ тузиш ва тадбирлар режасини тасдиқлаш. 2. Ҳуқуқбузарлик ва жиноят содир этган, ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган ёшлар билан аниқ ҳамда мақсадли тадбирларни амалга ошириш; 3. Ёшлар томонидан содир этилган ҳар бир ўз жонига қасд ва суиқасд қилиш ҳолатлари юзасидан алоҳида ўрганиш ўтказиш, ушбу шахсларнинг оилавий аҳволини тўлиқ ўрганиш ҳамда моддий-маънавий ёрдам кўрсатиш.	2018 йил сентябрь октябрь  доимий	Ички ишлар вазирлиги (И. Бобожонов), Халқ таълими вазирлиги (Ш. Шерматов), Ёшлар иттифоқи (К. Куранбаев), Хотин-қизлар кўмитаси (Т. Нарбаева), «Маҳалла» фонди (Ш. Жавлонов), Республика маънавият ва маърифат маркази (А. Кадиоров), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари

20.	Ички ишлар органларида профилактик ҳисобда турувчи вояга етмаганларни тарбия ва спорт соғломлаштириш оромгоҳларига жалб этиш.	<p>1. Ишчи гуруҳ тузиш ва тадбирлар режасини тасдиқлаш.</p> <p>2. Оромгоҳларни тайёрлаш ва вояга етмаганлар рўйхатини шакллантириш.</p> <p>3. Ҳар бир ҳудудда тарбия ва спорт-соғломлаштириш оромгоҳларини ташкил этиш.</p>	2018 йил сентябрь 2018 — 2021 йиллар	Ёшлар иттифоқи ( <i>К. Куранбаев</i> ), Ички ишлар вазирлиги ( <i>П. Бобожонов</i> ), Мудофаа вазирлиги ( <i>А. Азизов</i> ), Маданият вазирлиги ( <i>Б. Сайфуллаев</i> ), Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси ( <i>К. Рафиқов</i> ), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
21.	Самарқанд, Сирдарё, Тошкент ва Фарғона вилоятларидаги республика ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасалари фаолиятини такомиллаштириш.	<p>1. Ишчи гуруҳ тузиш, ўқув-тарбия муассасалари фаолиятини танқидий ўрганиш.</p> <p>2. Мазкур муассасалар фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш.</p>	2018 йил сентябрь  декабрь	Халқ таълими вазирлиги ( <i>Ш. Шерматов</i> ), Ички ишлар вазирлиги ( <i>П. Бобожонов</i> ), Бош прокуратура ( <i>С. Саидкаримов</i> ), Хотин-қизлар қўмитаси ( <i>Т. Нарбаева</i> ), Ёшлар иттифоқи ( <i>К. Куранбаев</i> )
22.	Ички ишлар бошқарма (бўлим) бошлиқларининг ёшлар масалалари бўйича ўринбосарлари фаолияти самарадорлигини ошириш.	<p>1. Ишчи гуруҳ тузиш.</p> <p>2. Ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган ишлар самарадорлигини ўрганиш.</p> <p>3. Таҳлил асосида тегишли чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш</p>	2018 йил сентябрь октябрь-ноябрь  2018-2019 йиллар	Ички ишлар вазирлиги ( <i>П. Бобожонов</i> ), Бош прокуратура ( <i>С. Саидкаримов</i> ), Халқ таълими вазирлиги ( <i>Ш. Шерматов</i> ), «Маҳалла» фонди ( <i>Ш. Жавлонов</i> ), Хотин-қизлар қўмитаси ( <i>Т. Нарбаева</i> ), Ёшлар иттифоқи ( <i>К. Куранбаев</i> )
23.	Ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш учун туман (шаҳар)лар кесимида ажратилаётган молиявий маблағлардан мақсадли ва оқилона	<p>1. Ишчи гуруҳ тузиш.</p> <p>2. «Yoshlar — kelajagimiz» жамғармаси фаолиятига махсус «ЎзАСБО» бухгалтерлик ҳисоботи дастурини қўллаган ҳолда</p>	2018 йил сентябрь	Молия вазирлиги ( <i>А. Хайдаров</i> ), Ёшлар иттифоқи ( <i>К. Куранбаев</i> ), Ҳисоб палатаси ( <i>М. Икромов</i> ), манфаатдор вазирлик ва идоралар

	фойдаланилишини таъминлаш.	мустақил ички аудит жорий қилиш.		
24.	Мактабгача таълим ва умумтаълим муассасаларига қабул қилиш ва ўқитиш жараёнини назорат қилишнинг очиқ ва ошкора механизмларини жорий қилиш.	1. Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан таълим-тарбия жараёнининг сифатини назорат қилишнинг «EMIS» дастурий таъминотини жорий этиш. 2. Мактабгача таълим ва умумтаълим муассасаларига қабул қилишда, маъмурият ва фуқароларни бевосита мулоқот қилишига чеклаш чораларини кўриш.	2019 йил январь	Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Ш. Садиқов), Халқ таълими вазирлиги (Ш. Шерматов), Мактабгача таълим вазирлиги (А. Шин), Инновация вазирлиги (И. Абдурахмонов)

**V. Ёшлар жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланиши учун шарт-шароитлар яратиш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш**

25.	Ўқувчи-ёшлар учун давлат-хусусий шериклик шартларида спорт-соғломлаштириш мажмуаларини куриш ва улардан фойдаланиш тартибини, жумладан хусусий инвестор ва давлат органларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгиловчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш.	1. Ишчи гуруҳ тузиш. 2. Миллий ва хорижий тажрибани ўрганиш. 3. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	2018 йил октябрь  декабрь	Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси (Н. Шарипов), Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги (Д. Набиев), Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси (С. Бекенов)
26.	Худудларда, айниқса, қишлоқ жойларда ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш учун шарт-шароитлар яратиш.	1. Спорт инфратузилмасининг (спорт майдончалари, тўғараклар ва бошқалар) мавжудлигини ҳамда уларнинг ҳолатини танқидий ўрганиш.	2018 йил декабрь	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги (Д. Набиев), Ёшлар иттифоқи (К. Куранбаев), Молия вазирлиги (А. Хайдаров), Халқ таълими вазирлиги



		<p>2. Спорт инфратузилмаси ҳолатини яхшилаш бўйича дастур ишлаб чиқиш.</p> <p>3. Кўптармоқли спорт иншоотларини қуриш, жиҳозлаш ҳамда уларга малакали мураббийларни жалб этиш.</p> <p>4. Спорт турлари бўйича мусобақаларни доимий ўтказиш, уларни ОАВлари ва ижтимоий тармоқларда ёритиш.</p>	2018 — 2021 йиллар	(Ш. Шерматов), Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (И. Маджидов), «Маҳалла» фонди (Ш. Жавлонов)
27.	Ёшлар орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш.	<p>1. Мусобақаларни ташкил этишнинг йиллик тақвим режасини тасдиқлаш.</p> <p>2. Югуриш мусобақалари, веломарафонлар ва бошқа оммавий спорт тадбирларини ўтказиш ҳамда ғолибларни рағбатлантириш.</p>	2018 йил ноябрь  2018 — 2021 йиллар	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги (Д. Набиев), Халқ таълими вазирлиги (Ш. Шерматов), Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (И. Маджидов), Ёшлар иттифоқи (К. Куранбаев), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
28.	Халқаро мусобақаларда юқори натижаларга эришган спортчиларнинг иштирокида чекка кишлоқ ва овулларда спорт мактаблари, тўғараклари ва секцияларини тузиш.	<p>1. Спорт мактаблари, тўғараклари ва секциялари тузилиши лозим бўлган жойларни аниқлаш.</p> <p>2. Спорт мактаблари, тўғараклари ва секцияларида ёшларни спорт билан шуғулланиши учун зарурий шарт-шароитларни яратиш.</p>	2018 йил ноябрь  2018 — 2021 йиллар	Миллий олимпия қўмитаси (У. Ахматджанов), Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги (Д. Набиев), Ёшлар иттифоқи (К. Куранбаев), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
29.	Болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари (БЎСМ) тармоғини кенгайтириш,	1. БЎСМ тармоғини кенгайтириш, спорт секцияларини ташкил этишда таълим ва	2018 йил сентябрь	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги (Д. Набиев), Халқ таълими вазирлиги (Ш.

	ўқувчиларнинг профессионал спорт билан шуғулланиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш.	<p>бошқа муассасаларнинг спорт залларидан бепул фойдаланиш тартибини йўлга қўйиш.</p> <p>2. БЎСМ ва спорт секцияларини моддий-техник воситалар билан жиҳозлаш ҳамда малакали кадрлар билан таъминлаш.</p> <p>3. Қишлоқ жойларида спорт федерациялари ва ассоциациялари томонидан сайёр мастер-класслар ва мусобақаларни ташкил этиш.</p>	<p>декабрь</p> <p>2018 — 2021 йиллар</p>	<p><i>Шерматов</i>), Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (<i>И. Маджидов</i>), Ёшлар иттифоқи (<i>К. Куранбаев</i>), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари</p>
30.	Ёшларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш.	<p>1. Таълим муассасалари ўқувчилари иштирокида «Темурбеклар» ва «Бургутлар» ҳарбий спорт ўйинларини ташкил этиш.</p> <p>2. Қуролли Кучлар ва ички ишлар фахрийлари ҳамда юқори натижаларга эришган спортчилар иштирокида ёшлар билан учрашувлар ва давра суҳбатлари уюштириш.</p>	<p>2018 — 2021 йиллар</p> <p>режага кўра</p>	<p>Ёшлар иттифоқи (<i>К. Куранбаев</i>), Республика маънавият ва маърифат маркази (<i>А. Кадиров</i>), Мудофаа вазирлиги (<i>А. Азизов</i>), Ички ишлар вазирлиги (<i>П. Бобожонов</i>), Давлат хавфсизлик хизмати (<i>А. Усмонов</i>), Халқ таълими вазирлиги (<i>Ш. Шерматов</i>), Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (<i>И. Маджидов</i>)</p>
<b>VI. Ўқувчи ёшларни ижтимоий муҳофаза қилиш, ижтимоий эҳтиёжманд оилалар фарзандларини моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш</b>				
31.	Ўқув ва таълим-тарбия сифати бўйича кенг жамоатчилик, оналар ва ўқувчиларнинг фикр ва таклифларини муҳокама қилишга бағишланган веб-майдонча (форум)ни яратиш.	<p>1. Ишчи гуруҳ тузиш ва чора-тадбирларни белгилаш.</p> <p>2. Веб-майдонча (форум)ни яратиш концепциясини ишлаб чиқиш.</p> <p>3. Веб-майдонча (форум)ни ишга тушириш.</p>	<p>2018 йил сентябрь-октябрь</p>	<p>Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (<i>Ш. Садиқов</i>), Мактабгача таълим вазирлиги (<i>А. Шин</i>), Халқ таълими вазирлиги (<i>Ш. Шерматов</i>), Олий ва</p>

				ўрта махсус таълим вазирлиги ( <i>И. Маджидов</i> )
32.	Умумий ўрта таълим мактаб жамоатчилиги кенгашлари тўғрисида низомни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.	1. Ишчи гуруҳ тузиш. 2. Миллий ва хорижий тажрибани ўрганиш. 3. Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш ва давлат рўйхатидан ўтказиш.	2018 йил ноябрь	Халқ таълими вазирлиги ( <i>Ш.Шерматов</i> ), Адлия вазирлиги ( <i>Р.Давлетов</i> ), Молия вазирлиги ( <i>А.Хайдаров</i> )
33.	Халқ таълим вазирлигининг «1006» ишонч телефони фаолиятининг самарадорлигини ошириш.	1. Барча таълим муассасалари ва меҳрибонлик уйларида «1006» қисқа рақамли ишонч телефони тўғрисидаги маълумотни эътибор қилиш. 2. «1006» қисқа рақамли ишонч телефони орқали келиб тушган ҳар бир мурожаатни ўрганиш, айбдор шахсларга нисбатан қатъий чоралар кўриш.	2018 йил сентябрь  доимий	Халқ таълими вазирлиги ( <i>Ш. Шерматов</i> ), Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ( <i>И. Маджидов</i> ), Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ( <i>Ш. Садиков</i> ), Ички ишлар вазирлиги ( <i>П. Бобожонов</i> )
34.	Иқтидорли болалар ва ижтимоий эҳтиёжманд оилалар фарзандларини узлуксиз таълим олишини моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш тизими («ижтимоий лифтлар»)ни жорий этиш.	1. Ишчи гуруҳ тузиш ва чоратадбирларни белгилаш. 2. Миллий ва хорижий тажрибани ўрганиш. 3. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва белгиланган тартибда киритиш.	2018 йил сентябрь  декабрь	Ёшлар иттифоқи ( <i>К. Куранбаев</i> ), Халқ таълими вазирлиги ( <i>Ш. Шерматов</i> ), Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ( <i>И. Маджидов</i> ), Молия вазирлиги ( <i>А. Хайдаров</i> ), Адлия вазирлиги ( <i>Р. Давлетов</i> ), манфаатдор вазирлик ва идоралар



LexUZ шарҳи

Норасмий таржима

(Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 15.08.2018 й., 07/18/3907/1706-сон; 14.12.2019 й., 06/19/5894/4161-сон)